

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА УНДАЛМАЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Г.Худаярова

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15689221>

Ундалмалар сўз (отлар, отлашган сўзлар, олмош - иккинчи шахс кишилик олмошлари) ва сўз бирикмалари билан ифодаланади.

Бирқанча тиллар шу жумладан, инглиз ва ўзбек тилларидаги ундалма буйича материалларни кўриб чиқиш шуни кўрсаттики, ундалма кўпинча антропонимлар билан ифодаланади. Антропонимлар булар шахс номларидир. Булар асосан исм (Боб, Эркин), фамилия (Браун, Рахимов), отчество (ота исми) (Илхомович, бугунги кунда Илхом ўғли, инглиз тилида отчество йўқ десак ҳам бўлади), лақаб (кал, чўлоқ) ва тахаллуслар (Навоий, Mark Twain)га бўлинади. Антропонимлар лингвокультуремаларнинг ёрқин тури ҳисобланиб, улар миллат ҳақида ишора беради. Шунинг учун улар эквивалентсиз лексика ҳисобланади (Қаранг: Влахов С., Флорин С. 1980)

Иккала тилда антропонимлар ичида энг кўп учрагани исмлардир. Тилда исмларнинг қисқа вариантлари бўлиши мумкин: Ингл.: Thomas → Tom, Elizabeth → Betty. Ўзб.: Нилуфар → Нилу, Шерзод, → Шер.

Икки тил ўртасидаги фарқлардан яна бири шуки, инглиз тилидаги киши номлари уй ҳайвонларига ҳам қуйилади. Масалан:

Jack уғил боланинг оти – **Jack** итнинг оти.

Ўзбек тилида эса улар учун алоҳида отлар бор: **Олапар, Қоплон** в.х.

Инглиз тилида исм-шариф асосан исм ва фамилиядан иборат. Масалан: **Jack London, William Shakespeare**. Ўзбек тилида эса, у учта қисмдан иборат бўлади. Исм, отчество (отасининг исми) ва фамилия. Масалан: **Қодиров Эргаш Нурмонович, Бугунги кунда эса, исм-шариф янги қолипда берилмоқда. Ахмедов Рустам Ибрагим ўғли, Собирова Нилуфар Хамдам қизи,**

Инглиз ва ўзбек тилида ундалмаларни антропонимлардан ташқари қуйидаги отлар ҳам ифодалаши мумкин экан: 1) касб-ҳунар билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 2) ҳайвонларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 3) кумурсқаларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 4) қушларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 5) ўсимликларни ва дарахтларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 6) ширинликларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 7) тана қисмларини билдирувчи отлар билан

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

VI ilimiy maqalalar toplami

ифодаланган ундалмалар; 8) абстракт отлар билан ифодаланган ундалмалар; 9) унвонларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 10) лавозимларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 11) қариндошлик атамалари билан ифодаланган ундалмалар; 12) дин ва миллатни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 13) ёшни кўрсатувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 14) жинс (гендер) билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 15) табиат ҳодийсаларини билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 16) шахсларни умумлаштирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 17) географик номларни (шаҳарлар, дарёлар, тоғлар, мамлакатлар, кишлоклар ва саёралар) билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар; 18) яратганнинг исмини билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар.

Тадқиқотлар шуни кўрсаттики, ундалмаларнинг жуда катта қисми ҳокими от ёки отлашган сўз бўлган сўз биркмалари билан ифодаланади. Уларнинг асосий ясалиш қолиплари қуйидагилар:

1. N+N

Mrs. Smith, take him to the hotel. (Greene. 133)

Жаноб ҳоким, бундоқ инъом учун қуллуқ. (Мирмуҳсин, 138)

2. ADJ+N

Dear Sirs...

Ҳурматли ота-оналар...

3. My+N

Is that correct, **my son**? (Shute, 270)

Ўзбек тилида бундай ҳолатларда одатта от олдидан эгалик кўшимчаси кўшилмай от кетидан эгалик аффикси қуйилади. **my son** = ўғлим

4. INTERJECTION+N

Hey handsome...

Ҳай овсин...

Сўз биркмалар билан ифодаланган ундалмалар икки, уч ёки ундан ҳам кўп қисмдан иборат бўлиши мумкин. Улар икки қисмли сўз бирикмаларни кенгайтириш йўли билан ясала беради. Масалан: Dear Ann → Dear Miss Ann, My Aunt → My Dear Aunt

Сўз бирикмаси билан ифодаланган ундалмалар эргашган (**Азиз дўстлар...**) ва боғланган (**Йигит ва қизлар...**) турларга бўлинади.

Боғланган сўз бирикмаси билан ифодаланган ундалмалар ўз навбатида яна икки турга бўлинади, яъни такрорий ундалмалар (**Ladies! Ladies!..., Болалар,**

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

VI ilimiy maqalalar toplami

болалар...) ва уюшган (Аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар,...) ундалмалар.

Такрорий ундалмаларнинг қуйидаги турида бир денотат иккинчи марта бошқа тил воситаси орқали қайтарилиши мумкин:

Карим, уғлим, бундай ишни қилмагин.

Бундай ундалмали гапларда ундалма компонентларининг бир қисми ажратилган аниқловчи билан ифодаланган бўлади. Бу мисолда ажратилган аниқловчи **уғлим**.

Ундалмалар инсондан ташқари отларни ифодалаганда персонификация, инсонлантириш ҳодийсаси рўй беради.

Адабиётлар:

1. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. М.: Международные отношения, 1980. 352с.
2. Сайфуллаев Р.Р. Обращение в современном литературном узбекском языке. Дисс....канд.филол.наук. Самарканд, 1959.